Muloqot

## ОНАЛИК ИМТИЁЗИ

***— Яқинда ҳомиладорлик таътилига чиқаяпман. Ҳомиладорлик ва фарзанд туғилгандан кейинги нафақалар қандай тартибда берилишини билмоқчи эдим. Шу ҳақда маълумот берсангиз.***

**Ҳ. ҒОФУРОВА,**
**Вобкент тумани**

— Меҳнат ва ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2000 йил 1 апрелдаги 21-сонли буйруғи билан тасдиқланган **«Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»**ги Низомнинг 4-бандида ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа тўлаш тартиби қуйидагича белгиланган:

Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақани тайинлаш ва тўлаш учун белгиланган тартибда берилган меҳнатга лаёқатсизлик варақаси асос бўлади.

Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича берилган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси йўқолган ҳолларда нафақа унинг ўрнига такрорий берилган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси (дубликат) асосида берилади.

Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа (шу жумладан, ҳомила тушган ҳолларда) вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасида кўрсатилган барча давр учун тўланади.

Олий, ўрта махсус касб-ҳунар таълим муассасаларининг магистратура, аспирантура, клиник ординатура, докторантурасини тамомлаган ҳамда белгиланган тартибда ишга юборилган аёлларга ишни бошлагунга қадар ҳомиладорлик ва туғиш бўйича берилган меҳнатга лаёқатсизлик варақаси асосида нафақа аёл ишга келиши лозим бўлган кундан бошлаб берилади.

Ишни вақтинчалик тўхтатиш ёки ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқув юртларида таҳсил олиш муносабати билан берилган қўшимча таътил даврида ҳомиладорлик туғиш бўйича таътил берилган ҳолда нафақа кўрсатилган давр тугагандан кейин аёл ишга чиқиш лозим бўлган кундан бошлаб берилади.

Ходим йиллик (асосий ва қўшимча) ва болани парваришлаш учун таътилда бўлган вақтда ҳомиладорлик ҳамда туғиш бўйича таътил берилганда нафақа ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътилнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасида кўрсатилган барча кунлари учун берилади. Болани парваришлаш бўйича таътил даври учун нафақа тариф ставкасидан (лавозим маошидан) ва таътил бошланишидан олдинги 12 ой мобайнида олинган мукофотларнинг ўртача ойлик маблағи миқдоридан ҳисоблаб чиқарилади. Бунга вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси очилган кунига бўлган таърифставкаси жойларда белгиланган туман коэффициэнти ва устамаларни ҳисобга олган ҳолда берилади.

Иш ҳақи тўлаш тўхтатилиб, ишдан (лавозимидан) четлаштириш оқибатида ишламаган даврда ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътил учун меҳнатга лаёқатсизлик варақаси берилган ҳолда нафақа тўланмайди. Агар ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътил ишга қўйилганда кейин ҳам давом этадиган бўлса, нафақа ишга чиқиш лозим бўлган кундан бошлаб берилади.

## ҚЎШИМЧА ТАЪТИЛ ОЛАСИЗ

***— Ўн олти ёшга тўлмаган ногирон фарзандим бор. Уни парваришлаш учун қўшимча таътил олишим мумкинми?***

**Н. РАЗЗОҚОВА,**
**Элликқалъа тумани**

— Ҳа, қўшимча таътил олишингиз мумкин. Чунки қонун асосида имтиёз берилган. Меҳнат кодексининг 232-моддасида ўн икки ёшга тўлмаган ногирон боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёллар учун қўшимча таътиллар бериш тартиби қуйидагича белгиланган: **«Ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга ҳар йили уч иш кунидан кам бўлмаган муддат билан ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилади.**

**Ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга уларнинг хоҳишига кўра, ҳар йили ўн тўрт календар кундан кам бўлмаган муддат билан иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилади».**

Бундай таътил йиллик таътилга қўшиб берилиши ёки иш берувчи билан келишиб белгиланадиган даврда ундан алоҳида (тўлиқ ёхуд қисмларга бўлиб) фойдаланиши мумкин.

## СУДГА МУРОЖААТ ЭТИНГ

***— Ҳакасбим мендан каттагина миқдорда қарзга олган эди. У бу қарзни маълум бир муддат ўтгач, қайтариб бераман, деб тилхат ҳам ёзиб берганди. Аммо қарзни ҳалигача қайтариб бермаяпти. Танишларим судга мурожаат этишни маслаҳат беришаяпти. Шундай қилсам, тўғри йўл тутган бўламанми?***

**Ф.ХОЛМУРОДОВ,**
**Денов шаҳри**

— Сиз бу борада ўзингиз яшаб турган туманлараро фуқаролик судига мурожаат этасиз. Суд сизни қарзингизни ундириб беради. Чунки ҳамкасбингиз қарз олгани ҳақида тилхат ёзиб берган.

Фуқаролик кодексининг 737-моддасига мувофиқ, қарз олувчи пул ёки бошқа ашёларни қарз берувчидан амалда олмаганини ёки шартономада кўрсатилганидан кам миқдорда олганини исбот қилиб, қарз шартномаси юзасидан даъволашишга ҳақли.

Ёзма шаклда тузилиши лозим бўлган қарз шартномаси юзасидан гувоҳларнинг кўрсатмалари ёрдамида даъволашиш мумкин эмас, шартнома алдаш, зўрлик ишлатиш, таҳдид қилиш, қарз олувчининг вакили қарз берувчи билан ёмон ниятда келишиши ёки қийин вазиятлар таъсирида тузилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар қарз олувчи қарз шартномаси юзасидан даъволашиш жараёнида пул ёки бошқа ашёлар ҳақиқатдан ҳам, қарз берувчидан олинмагани аниқланса, қарз шартномаси тузилмаган ҳисобланади. Қарз олувчи қарз берувчидан пул ёки бошқа ашёларни шартномада олган ҳолларда шартнома ана шу миқдордаги пул ёки аёшларга тузилган ҳисобланади.

**Саволларга ҳуқуқшунос Саломат НИЁЗОВА жавоб берди**

# ҚОНУНИЙЛИК – АДОЛАТ МЕЗОНИ



*(Давоми.*
*Боши биринчи бетда)*

Мамлакатимиз Конституцияси ва амалдаги қонунлар моҳият-эътибори билан биринчи галда инсон ва унинг қонуний ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилади. Айни пайтда бу масала **«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»**ги қонунда ҳам ўз аксини топган. Қонун ижросини таъминлашга қаратилган тадбирлар эса режаларимизда алоҳида ўрин тутади. Яқинда Гурлан туманида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир қонун ҳужжатларини ижро қилиш билан боғлиқ ишлар атрофлича ўрганиб чиқилди. Қайд этиш зарурки, бундай тадбир туманда 2005 йили ҳам ўтказилган эди. Туманда инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги ютуқлар борлигини ҳеч ким инкор этолмайди. Лекин ютуқлар билан бирга камчилик ва нуқсонлар, қонунбузарлик ҳолатлари ҳам мавжуд. Энг ёмони шундаки, туманда адлия ходимлари томонидан ўтган галги режали текшириш давомида аниқланган нуқсонлар ҳалигача бартараф этилмаган. Бунинг устига бу борадаги тақдимномаларга юзаки муносабатда бўлинган. Бунинг оқибатида фуқароларнинг ариза ва шикоятлари кўпайиши кузатилган. Жумладан, Гурлан шаҳарчасида яшовчи фуқаро М.Ускинова ўтган йил 1 ноябрда чакана савдо фаолияти билан шуғулланишга рухсат беришни сўраб, туман ҳокимига ариза билан мурожат қилган ва унинг ижросини таъминлаш ҳоким муовини К.Йўлдошевнинг зиммасига юклатилган. Бироқ ҳоким муовини масалага совуққонлик билан қараши натижасида мурожаат салкам 5 ой, яъни ушбу қонунбузарлик ҳолати назорат гуруҳи томонидан аниқланиб, тегишли таъсир чоралари кўрилганига қадар, ҳаракатсиз қолиб кетган.

Вазир қишлоғида яшовчи С.Жаббергановнинг 2005 йил 31 декабрдаги аризаси ҳам К.Йўлдошевнинг иш столида текшириш кунигача чанг босиб ётди. Бу каби қонунбузилишлар 2005 йилда 35 марта содир этилган бўлса, жорий йилнинг дастлабки чорагидаёқ 41 тага етган.

Сахтиён қишлоғида яшовчи З.Собиров туман ҳокими номига оиласи учун томорқа ажратишни сўраб ёзган аризаси ижросини 6 ойдан ҳам кўп кутишга мажбур бўлди. Бундай мазмундаги мурожаатлар ва уларни ҳал этиш борасидаги қонунбузарликлар ўтган йил мобайнида 33 марта содир қилинган бўлса, жорий йилнинг биринчи чорагида 37 тани ташкил этади.

Шунингдек, фуқаро Р.Ўрозбоевнинг иморатга эгалик ҳуқуқини белгилаш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш учун нақ 10 ойу 5 кун зарур бўлганини биронта ҳам баҳона оқлай олмаса керак?!

Туман ҳокимининг биринчи муовини П.Аминов фуқаро З.Ўрозматованинг аризасини салкам 8 ой, С.Бобожонованинг мурожаатини 4 ойдан кўпроқ, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи К.Сафоев собиқ «Зарбдор» ширкат хўжалигида яшовчи Б.Авазовнинг хатини 6 ой мобайнида «авайлаб-асраб» юрган.

Ўрни келганда шуни айтиш керакки, **«Фуқароларнинг мурожаати тўғрисида»**ги қонунда қўшимча ўрганиш ва текшириш тадбирини тақозо этмайдиган мурожаатларга 15 кун ичида жавоб бериш лозимлиги қайд этилган. Бироқ фуқаро З.Худоёрованинг моддий ёрдам сўраб ёзган аризаси туман ҳокимлигида, уч ярим ой, шундай мазмундаги Ш.Раҳмоновнинг аризаси эса 5 ойу 3 кун эътиборсиз қолиб кетган.

Кишини тажжубга соладиган томони шундаки, бир оғизгина «йўқ» сўзини айтиш учун ҳам шунча вақт керакми? Мутасадди «ёшулли»лар қўлида ойлар ўтсада, охир-оқибат рад жавоби берилган бу каби ечими йўқ аризалар сони 26 тани ташкил этади.

«Бирлашган» қишлоғи фуқаролар йиғини «ёшулли»лари ҳам бу «тажриба»дан «унумли» фойдаланишган. Улар моддий ёрдам кўрсатиш юзасидан берилган 6 та аризани рад қилишган, аммо аризачиларга бу ҳақда қонун талаблари ва унда кўрсатилган муддат ичида хабар беришни «унутиб» қўйишган.

Ўрганиш чоғида туман ҳокимлигига ўтган йил ва ушбу йилнинг дастлабки ойлари давомида жами 2452 та ёзма ва оғзаки мурожаатлар келиб тушгани маълум бўлди. Таъкидланганидек, уларнинг ҳар бири ортида инсон, унинг тақдири, манфаатлари билан боғлиқ жиддий ҳамда долзарб вазифалар турибди. Уларни белгиланган тартиб ва муддатларда ҳал этиш учун имкон йўқ, дейиш фикридан йироқмиз. Барчаси ҳафсала, хоҳиш-иродага боғлиқ. Содир этилган ножўя ҳаракатлар эса тегишли жазога лойиқ. Вилоят адлия бошқармаси туман ҳокими номига расмий тақдимнома йўллади. Унда келгусида камчилик ва қонунбузилиши ҳолларига йўл қўймаслик учун таъсирчан ва амалий чора-тадбирлар белгилаш, содир этилган хато ҳамда камчиликлар учун ҳоким муовини К.Йўлдошев, қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи К.Сафоев, ер ресурслари хизмати бошлиғи З.Ўрозалиевни лавозимидан озод этишгача бўлган интизомий жазога тортиш масаласи қўйилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш жоизки, ким қайси мансабда ишлашидан қатъий назар, қонун талаби асосида ишламас экан, у албатта, эл-юрт олдида юзшувут бўлиб қолади. Юқорида биз қаламга олган мавзу ҳам бунинг яққол далилидир.

**О.ОЛЛАЁРОВ,**
**Хоразм вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари**

Nazorat tadbiri

Shartnoma qonunchiligi

**Меҳнат қилган элда азиз, дейишади. Юртимизда ўзининг фидокорона меҳнати билан юксак эътибор қозониб келаётган заҳматкаш инсонлар кўпчиликни ташкил қилади. Бу борада, айниқса, фермерлар номи алоҳида эъзозга лойиқдир. Қишлоқ хўжалиги соҳасида узлуксиз давом этаётган ислоҳотлар натижасида фермерларга яратиб берилаётган имкониятлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Зотан, мамлакатимизнинг иқтисодий такомили кўп жиҳатдан улар меҳнати самарасига боғлиқдир.**

# ЕР ЭЪТИБОРСИЗЛИКНИ КЕЧИРМАЙДИ



Мамлакатимизда фермерликни орзу қилган инсонлар кўп. Шунингдек, улар орасида «олма пиш, оғзимга туш» қабилида иш юритаётган фермерлар ҳам учраб турибди. Бугунги давр эса бундай боқибеғам, ислоҳотлар моҳиятини тугал англаб етмаган фермерлар фаолиятига ўзининг қонуний баҳосини беряпти.

«Файзулла бий» фермер хўжалиги Нукус тумани ҳокимининг 2004 йилдаги 336/4-сонли қарори билан ташкил этилиб, унга 92,5 гектар ер майдони узоқ муддатга ижарага берилган эди. Аммо фермер масъулият ҳиссини бутунлай унутиб, 2004-2005 йилларда ердан мутлақо фойдаланмаган. Шу куйи хўжалик раҳбари ер майдонларининг экилиши ва ҳосил ундирилиши тўғрисида ҳеч қандай ҳисобот топширмаган. Бу ҳолат туман давлат солиқ инспекцияси ва статистика бўлимининг маълумотлари билан тўлиқ тасдиқланган.

Ерга нисбатан бундай лоқайд муносабатни тумандаги «Наврўзбой-Оролбой» фермер хўжалиги мисолида ҳам кўриш мумкин. Мазкур фермер хўжалиги бундан уч йил муқаддам ташкил қилинган бўлиб, унга 53,0 гектар ер майдони ажратилган эди. Бироқ масъулиятсизлик туфайли фермер хўжалиги 2003-2005 йиллар мобайнида ерни қаровсиз қолдирган ва давлатга катта миқдорда зарар етказган.

**«Фермер хўжалиги тўғрисида»**ги қонуннинг 32-моддасида ерга эгалик қилиш тартиби бузилган ҳолларда ижара шартномасининг бекор қилиниши ва фермер хўжалигининг тугатилиши кўрсатиб ўтилган. Ер кодексининг 36-моддаси, 10-бандида эса фермер хўжалиги учун ажратилган ер майдонидан 1 йил давомида мақсадли фойдаланилмаса, ижара ҳуқуқининг бекор қилиниши кўзда тутилган. Шу сабаблар ҳамда Хўжалик-процессуал кодексининг тегишли моддалари асосида Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди «Файзулла бий» ва «Наврўзбой-Оролбой» фермер хўжаликларининг ерга эгалик ҳуқуқини бекор қилиш ва фермер хўжаликларини тугатиш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Туманда юксак орзулар-у, мўл даромад иштиёқида фермер хўжалигини ташкил этган, бироқ масъулиятни унутиб қўйган хўжаликлар буларгина эмас. Айтиш жоизки, туман ҳокими қарори асосида «КПС Хўжамет» фермер хўжалигига 18,1 гектар, «Женис-Бегис» фермер хўжалигига 15,6 гектар ер майдони ажратиб берилган эди. Таассуфки, фермер хўжаликлари раҳбарлари масалага панжа орасидан қараб, экин майдонларини янтоқзорга айлантириб қўйишди. Шунга қарамай, отдан тушса ҳам, эгардан тушишни истамаган «КПС Хўжамет» фермер хўжалиги бошлиғи П.Қабулов суд мажлисида ўз ҳисобида бўлган ер майдонларининг тошлоқ эканлигини важ қилиб, гўё деҳқончилик қилиш имкони бўлмаганлигини уқтирмоқчи бўлди. «Женис-Бегис» фермер хўжалиги раҳбари А.Сейтеков тўқиган важ-карсонлар эса баридан ошиб тушди. Унинг таъкидлашича, 2003 йилда хўжалик ер майдонларига қовун экилган, аммо қурт тушиб, ҳосил олинмаган. Қолаверса, ўғлининг касалликка чалиниши ҳам деҳқончилик қилиш имконини бермаган. Суд сувдан қуруқ чиқмоқчи бўлган бундай фермерларга баҳоналар кўп-у, лекин улар тош босмаслигини тушунтириб қўйди. Шунингдек, суднинг ҳал қилув қарори билан 2003-2005 йиллар давомида ердан оқилона фойдалана олмаган «Алмир-СИС», «Турон», «Манас», «Нур Жалолиддин», «Мақсет-Клара», «Муха-Дилдора» фермер хўжаликлари фаолиятлари ҳам тугатилди.

Халқимиз билиб айтган: ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Фермерлик ҳаракати ҳалолликни, тинимсиз меҳнатни талаб қилади. Биз тилга олган фермер хўжаликлари фаолиятлари эса пўкакни эслатади. Пўкак ичи бўш, ковак бўлган хасчўпдир. У доимо сув бетида қалқиб юради. Тўлқинлар забти бундай пўкакларни қирғоққа чиқариб ташлайди. Буни юқоридаги мисоллар ҳам яққол тасдиқлайди.

**Озод ҚАИПНАЗАРОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Тожимурод ЭШМУРОДОВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

Huquqiy sharh

# СУД БУЙРУҒИ ТАРТИБИДА ИШ ЮРИТИШ

## унинг айрим хусусиятлари хусусида

***Одил судловни амалга оширишнинг соддалаштирилган тартибда иш юритиш шакллари кўпгина қўшни МДҲ давлатлари қонунчилигида, шу жумладан, мамлакатимиз процессуал қонунчилигида ҳам белгилаб қўйилган. Мазкур шаклларнинг энг мукаммали бўлмиш суд буйруғи ўзига хос бир қанча устун жиҳатларга эга.***

Суд буйруғи тартибида иш юритувнинг мавжуд хусусиятлари, хўжалик процессида пул маблағини ундириш ёки ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш ёхуд қарздордан низосиз талаблар бўйича мол-мулкни талаб қилиб олиш тўғрисидаги низосиз талабларни кўриб чиқишнинг соддалаштирилган тартибидан иборат. Иккинчидан, бу ҳужжатли иш юритиш бўлиб, моҳиятига кўра, тақдим қилинган қарз мажбуриятини акс эттирувчи ҳужжатнинг шакли ва мазмунини ҳамда жавобгар (қарздор) томонидан эътироз бор ёки йўқлигини тадқиқ этишни англатади. Учинчидан, суд буйруғи берилиши мумкин бўлган талаб ёки асослар процессуал қонунда белгиланган бўлиб, бу талаблар (асослар) рўйхати тўлиқ деб ҳисобланади ва бошқа асослар бўйича суд буйруғи беришга йўл қўйилмайди. Тўртинчидан эса суд буйруғи иш юритувининг ҳар бир босқичи мазкур тартибни даъво аризаси иш юритувидан фарқловчи ўзига хос хусусиятларга эга.

Ўзбекистонда суд буйруғи нафақат хўжалик процесси доирасида, балки фуқаролик процессида ҳам жорий этилган. Чунки суд буйруғи фуқаро ва ташкилотлар ҳуқуқлари, уларнинг қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилишнинг энг ишончли шакли бўлмиш суд процессининг самарадорлигини ошириш имконини беради. Суд ҳимоясининг бу шакли нафақат фуқаролар ва ташкилотлар, балки судларнинг ўзи учун ҳам иш юритишда вақтни тежашнинг қулай йўлидир.

Фуқаролик процессидаги суд буйруғи институтининг баъзи жиҳатлари, хусусан, қарздорга суд буйруғи нусхасини юбориш ва ундан мазкур буйруққа эътирозларни судья томонидан кутиш ҳақидаги қоидаларни Хўжалик процессуал кодексининг 105-моддаси талабларига мос равишда қайта кўриб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки фуқаролик процесси доирасидаги мавжуд тартиб суд буйруғи институтининг моҳияти, унинг вазифаларига зид бўлиб, қарздор томонидан йўл қўйилиши мумкин бўлган суиистеъмолликларнинг олдини ололмайди. Шу сабабли кредиторнинг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг чўзилишига олиб келади.

Суд буйруғини бериш ҳақидаги талаб фақат ҳуқуққа доир низони аниқлашдан иборат эмас, балки мажбуриятни бажармаётган жавобгар шахсдан пул маблағини мажбурий ундириш ёки суд ҳокимияти ёрдамида қонунчиликда белгиланган асосларда мол-мулкни мажбурий тарзда талаб қилиб олиш ҳуқуқини қўлга киритишдир.

Даъво тартибида иш юритишнинг эътиборга молик томони – даъвони таъминлаш институтининг амал қилишидир. Мазкур процессуал институтни суд буйруқларига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Бу институтнинг буйруқ тартибида иш юритув доирасига ҳам жорий этилиши низосиз талаблар бўйича кредитор ҳуқуқларининг кафолатланишига ва буйруқнинг суд ҳимояси воситаси сифатидаги аҳамияти янада мустаҳкамланишига олиб келади.

Бизнингча, суд буйруғида бир қанча мустақил талаб арз қилинган ҳолларда қарздорга уларнинг бири бўйича эътироз билдириш имкониятини бериш (қисман эътироз билдириш) суд буйруғининг моҳиятига ва унинг процессуал ҳимоя воситаси сифатидаги аҳамиятига умуман зиён етказмайди. Бундан ташқари, баъзи мамлакатлар процессуал қонунчилигида (масалан, Венгрия) мазкур тартиб самарали тарзда қўлланган.

Қонунларни, хусусан, процессуал кодексларни ишлаб чиқишда йўл қўйилган айрим камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш ҳуқуқни қўллаш амалиёти давомида амалга оширилади. Ҳар қандай меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат, ҳуқуқ меъёрининг камчилигини бартараф этиш, аввало, қонунчиликда қўлга киритилган илғор ютуқларни қўллашдан бошланади. Масалан, ХПКнинг меъёрлари (111-модда) суд буйруғини бекор қилишни рад қилиш тўғрисида ажрим чиқаришни назарда тутган ҳолда, мазкур процессуал ҳаракатнинг қайси суд ҳужжати орқали расмийлаштирилишига аниқлик киритмайди. Ваҳоланки, бу каби ҳаракатлар қоида тариқасида суд ажрими билан расмийлаштирилиши лозим.

Баён этилган мулоҳазалардан келиб чиқиб, Хўжалик-процессуал кодекси ҳамда Фуқаролик-процессуал кодексидаги баъзи қоидалар қайта кўриб чиқилса, такомиллаштирилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Зеро, судлар томонидан кўриб чиқилаётган ишлар ҳажмининг катталиги суд буйруғи каби соддалаштирилган тартибда иш юритиш шаклларининг ривожлантирилишига имконият яратишни тақозо этади. Айни пайтда суд буйруғининг дастлаб хўжалик процесси, сўнгра фуқаролик процесси доирасида қайта тикланиши шахс ҳуқуқлари ҳимоясини такомиллаштириш йўлидаги дадил қадамлардан бири бўлди.

**Фарҳод МУСТАФОЕВ,**
**ТДЮИ магистри**

Bugunning gapi

# ИЗЛАБ ТОПИЛАЁТГАН ИМКОНИЯТ

*(Давоми.*
*Боши биринчи бетда)*

Тажрибали чорвадорлар зотдор моллардан зотдор ёки зоти яхшиланган бузоқ олишни чорва наслини яхшилашнинг энг қулай йўли деб билишади. Мулкнинг хусусийлиги аввало чорва наслини сақлаб қолишга қизиқиш ва ҳаракатни туғдирмоқда. Агар таҳлил қилиб кўрилса, 2002 йилда бу ерда 17 бош бузоқ олинган бўлса, 2003 йилда бу кўрсаткич 20 бошни ташкил этган. Ўтган 2005 йилда 26 бош соғлом наслдор бузоқ олинган.

Фермер хўжалиги фаолиятини бошлаган 2001 йилда 15 гектар лалми ер ажратиб берилган эди. 2004 йилда яна қўшимча равишда 28,5 гектар майдон қўшиб берилди. Унинг 15 гектари чорва моллари учун ширали озуқа экинлари экишга мос суғориладиган майдон. Шу кунларда фермер хўжалиги 3 гектар майдонда беда, 12 гектар ерда маккажўхори парваришламоқда. Очиғини айтганда, 140 бош қорамолга бу ер жуда камлик қилади. Ургутдек аҳолиси тиғиз бўлган туманда ернинг қадри ниҳоятда баланд. Шундай бўлса-да, фермер хўжалиги раҳбари Одил Маҳқулов муаммолар туғилганида баҳона эмас, имконият қидирмоқда. Муаммонинг ечимини топиб, фермер хўжалиги ривожини таъминлаяпти.



Бундай деганимиз бежиз эмас. 2004 қишлоқ хўжалик йилида фермер хўжалиги 37 миллион 400 минг сўмлик чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқарган. 2005 йилда эса бу кўрсаткич 46 миллион сўмни ташкил этди. Фермер хўжалиги бу йил чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 60 миллион сўмга етказишни мўлжаллаяпти.

— Бунинг уддасидан чиқишимизга ишонамиз, — дейди О.Маҳқулов. — Фермер хўжалиги ҳисобидаги мавжуд тўртта турли русумли техника воситаларидан унумли фойдаланяпмиз. Аъзоларнинг кўнгиллари тўқ ҳолда яхши ишлари учун уларга зарурий меҳнат ва дам олиш шароитини ҳозирлаб қўйганмиз. Механизатор, молбоқару соғувчилар 16 нафар аъзонинг ҳар бири ойига ўртача 60 минг сўмдан маош олишяпти. Уларнинг коммунал хизмат тўловларини ҳам фермер хўжалиги ҳисобидан амалга оширяпмиз.

Мамлакатимизда тадбиркорликнинг турли йўналишлари бўйича ҳар йили кўрик-танловлар ўтказиб келинмоқда. 2004 йилда «Озод» фермер хўжалиги «Энг яхши фермер хўжалиги» номинациясида иштирок этиб, Самарқанд вилоятида биринчи, республика босқичида эса фахрли учинчи ўринни қўлга киритди. Бундай ютуқлар замирида тадбиркорлик ва ишбилармонлик, фидокорона меҳнат мужассамлашган. Буни фермер хўжалиги аъзолари яхши тушунишади.

**Фурқат ФАЙЗИЕВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Ҳамид ЭГАМ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

**Talab va taklif**

*Мустақилликка эришилганидан сўнг мамлакатимизда барча соҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Конституция ва қонунларга асосланган ҳуқуқий-демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти барпо этишда мулкнинг давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусий мулкчиликка айланиши одамлар онги, яшаш тарзи ва иш тутимида кескин ўзгариш ясади.*

# ЮРИДИК ХИЗМАТ: МУАММО ВА ЕЧИМ

Бунинг исботи сифатида айтиш мумкинки, аграр соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида қишлоқда янги мулкдорлар тоифаси юзага келди. Деҳқоннинг ерга, меҳнатга муносабати тубдан ўзгарди. Бошқача айтганда, қанча кўп ҳосил олса, шунча моддий манфаатдор бўлиш туйғуси кучайди. Ислоҳотга, келажакка ишончи кескин ошди. Иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақиятли кечишида давлатимиз томонидан фермер хўжаликларининг моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб борилаётгани, давлат эҳтиёжи учун пахта ва ғалла тайёрлашда фермер хўжаликларига минерал ўғит, қишлоқ хўжалик техника воситалари, эҳтиёт қисмлар, нефт маҳсулотлари, иш ҳақи тўловлари учун имтиёзли кредит маблағлари берилаётгани уларда рағбат уйғотди. Пахта ва ғалла маҳсулотлари тайёрлашда деҳқонлар қўлга киритган салмоқли ютуқлар ана шу ислоҳотлар самараси, дейиш мумкин.

Мамлакатимизда фермерлик ҳаракати бошланганига қарийб ўн беш йил бўлди. «**Фермер хўжалиги тўғрисида**»ги қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январидаги 8-сонли ва кейинги қатор қарорлари ҳамда Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган меъёрий ҳужжатлар асосида қишлоқ туманларида паст рентабелли, қарзга ботган, истиқболсиз ширкатлар ўрнига фермер хўжаликлари ташкил топмоқда. Пахта ва ғалла экиладиган далалар, боғ, токзор ва яйловлар янги мулкдорлар — фермерлар қўлига ўтмоқда.

Шуни айтиш жоизки, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида турли хил низолар чиқиб туриши табиий ҳол. Ер, ер танлови, мол-мулк, маҳсулот ҳақини ундириш, шартнома мажбуриятларининг бажарилмаслигидан келиб чиқадиган низолар шулар жумласидан. Бундай вазиятда шубҳасиз, ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектда юридик хизматга зарурат туғилади.

Тўғри, мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахслар манфаатига давлат томонидан ҳуқуқий хизмат кўрсатишнинг қонуний асослари яратилган. Бунинг устига уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга адлия ва бошқа мутасадди идоралар жалб этилган.

Юқорида таъкидлангандек, давлат корхоналари негизида хусусийлаштириш биринчи ўрин эгаллади. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар юқори поғонага кўтарилди. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир тадбиркорлик субъекти ўзини ўзи ҳимоя қиладиган паллага етиб келди. Мисол учун фермер хўжаликларини олайлик. Сирдарё вилоятида 8 минг 500 дан ортиқ фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Вилоят халқ хўжалигида эса 208 нафар, қишлоқ хўжалигида эса 124 нафар ҳуқуқшунос кадрлар фаолият юритмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 2 мартдаги 118-сонли қарори билан тасдиқланган «**Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органлари ва корхоналаридаги юридик хизмат тўғрисида**»ги Низомда олий юридик маълумотга эга бўлган шахслар исталган корхоналарда ҳуқуқшунос бўлиб фаолият юритиши белгилаб қўйилган. Олий маълумотли ҳуқуқшунос кадрлар тақчиллиги туманнинг бир четида, марказдан узоқда яшовчи фермерларга юридик хизматдан фойдаланишларида қийинчилик туғдириши бор гап.

Хўш, бу муаммони қандай ҳал этиш мумкин?

Шу ўринда қуйидаги таклифни билдирмоқчимиз. Гап шундаки, кейинги йилларда мамлакатимизда кадрлар, жумладан, ҳуқуқшунослар тайёрлашга эътибор ортди. Ҳар йили ўрта махсус ўқув юртларини ҳуқуқшунослик йўналиши бўйича юзлаб ёшлар битириб чиқмоқда. Ана шу мутахассислар орасидан иқтидорли, касбга садоқатли ёшлар юридик хизматга жалб этилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Адлия бошқармалари томонидан уларнинг билим ҳамда қобилиятлари синовдан ўтказилиб, сўнгра рухсат этилса, бўшлиқ тўлдириларди. Ахир, бугун ҳар бир фермер хўжалиги ўзининг ҳуқуқшуносига эга бўлишини давр талаб қилмоқда.

Шу ўринда яна бир савол: фермер хўжалиги раҳбари томонидан ҳуқуқшуносга ойлик маош тўлашда муаммо туғилмайдими?

Саволнинг бу тариқа қўйилиши бежизга эмас, албатта. Чунки мулк эгаси — фермер ҳар бир сўмни тежашни ўйлайди.

Агар фермерни ўз ҳуқуқшуносига ойлик маош тўлашини тарозига солиб кўрсангиз, тадбиркор ҳеч нарса ютқазмаслигига амин бўласиз. Ҳуқуқшуносга фермер ўзи етиштирган маҳсулот ҳисобидан ҳисоб-китоб қилишига ҳам ҳеч бир монъелик йўқ. Ҳуқуқшунос ўзи ишлаётган хўжалик юритувчи субъект дуч келган низоларни ҳал қилиш билан чегараланиб қолмайди. Аксинча, у фермер хўжалиги бошқа аъзоларнинг ҳам манфаатини ҳимоя қилади. Уларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериб, тушунчаларини бойитади.

Қишлоқда юридик хизмат қарор топиши масаласида яна бир таклифимиз бор.

Бош қомусимиз бўлмиш Конституциянинг 116-моддасида «**Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади**», деб белгилаб қўйилган. Амалдаги «**Адвокатура тўғрисида**»ги қонуннинг 5-моддасида адвокатура тадбиркорлик фаолиятига юридик хизмат кўрсатиши белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, жисмоний ҳамда юридик шахслар орасида адвокатура тизими ва адвокатнинг ҳуқуқий хизмат кўрсатишдаги тутган ўрни салмоқли.

Сирдарё вилоятида ўтган 2005 йил давомида адвокатлар ҳайъатига қарашли 12 та ҳуқуқий маслаҳатхона, 8 та адвокатлик фирмаси, 7 та адвокатлик бюросига уюшган 67 нафар адвокат фаолият кўрсатган. Йил давомида жисмоний ва юридик шахсларга 6592 та турдаги ҳуқуқий ёрдам берилган, 1953 ҳолатда жиноий, 806 ҳолатда фуқаролик, 704 ҳолатда хўжалик ишларини олиб боришда адвокатлар иштирок этган. Вилоятдаги ҳуқуқий маслаҳатхоналар, адвокатлик фирмалари ва бюролари хўжалик, корхона, ташкилот, муассасалар билан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мақсадида 480 та шартнома тузган.

Уларнинг 159 таси ширкат, деҳқон ва фермер хўжаликлар билан вилоят адвокатлик тузилмалари ўртасида ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш юзасдан имзоланган шартномалардир. Йил якуни бўйича ана шу ширкат, деҳқон, фермер хўжаликларида шартнома ижроси кузатилганда адвокатлар 67 та ишда иштирок этгани маълум бўлди. Уларнинг 35 таси хўжалик судларида кўрилган ишларда қатнашган.

Вилоятдаги адвокатлик ташкилотлари хўжалик юритувчи субъектлар билан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мақсадида 2006 йилга (1-чорагидаа) 145 та шартнома тузган. Уларнинг 47 таси ширкат, деҳқон ва фермер хўжаликлари билан вилоят адвокатлик тузилмалари ўртасида ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш юзасидан имзоланган шартномалардир. Чорак якуни бўйича ана шу ширкат, деҳқон, фермер хўжаликларида шартнома ижроси кузатилганда адвокатлар 32 та ишда иштирок этиб, уларнинг 30 таси хўжалик судларида кўрилган ишларда қатнашганлиги маълум бўлди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бугун вилоятда 8,5 мингдан ортиқ фермер хўжалиги фаолият юритаётган бир пайтда адвокатура орқали уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш салмоғи анча юқори бўлиши керак.

Ўтган йили вилоят адлия бошқармаси томонидан ширкатлар ва фермер хўжаликлари манфаатини кўзлаб вилоят хўжалик судиға 756 та, жорий йилнинг ўтган вақтида эса 566 та даъво аризаси киритилди. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, адвокатнинг қишлоқда, фермер хўжалигигига юридик хизмат кўрсатишда алоҳида ўрни бўлишини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ўз ҳақ-ҳуқуқини билган фермер ҳеч қачон, ҳеч қаерда қоқилмайди. Қолаверса, бошқаларга ортиқча муаммо ҳам туғдирмайди. Юридик хизматдан деҳқоннинг тўлиқ баҳраманд бўлиши қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларнинг такомиллашувига, барқарор ривожланишига хизмат қилади.

**Хайриддин ФАЙЗИЕВ,**
**Сирдарё вилояти адлия бошқармаси бошлиғи**

*Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги олдидан*

# БАРКАМОЛ АВЛОД ИҚБОЛИ

***(Давоми. Боши биринчи бетда.)***

Академик лицейлар ўқувчиларнинг қизиқишлари ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интелектуал ривожланишни таъминланса, касб-ҳунар коллежлари уларга танлаган йўналишлари бўйича бир ёки бир неча замонавий касбни эгаллаш имконини беради. Энг муҳими, ёшлар ўқув жараёнида ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаган ҳолда қобилиятлари, қизиқиш ва хоҳишларига қараб танлаш ҳуқуқига эгадир. Чунончи, лицей ва коллежда ўқиш, улар таркибидаги маълум йўналишни танлаш ўқувчиларнинг ўзига ҳавола, бу уларнинг танлаш ҳуқуқини, демак, уларнинг эркинлик ҳуқуқларини таъминлашдир.

Дарҳақиқат, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, **«Таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади. Ўзининг қадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиз. Ана шундан кейин онгли турмуш кечириш жамият ҳаётининг бош мезонига айланади»**.

Улуғвор мақсад ва вазифалар жуда катта куч, тинимсиз меҳнат, фидойилик ва катта маблағни талаб этиши тайин. Миллий дастурни жорий этишда давлат бюджетидан қўшимча сарф-харажатларнинг ҳажми ўтиш даврининг ўзида олтмиш беш миллиард сўмни ташкил этди. Мазкур соҳага сарфланаётган маблағ миқдори йил сайин ошириб борилаётир. Бугунги кунда Ўзбекистонда таълим тизимига ажратилаётган маблағлар давлат бюджет умумий миқдорининг ўттиз саккиз фоизини ташкил этади. Ҳозирги пайтда жаҳондаги бирорта давлатда таълим тизимига бунча маблағ ажратилмайди. Аксарият давлатларда эса бу кўрсаткич кўпи билан беш, саккиз фоиз ташкил этади, холос.

1998 йилдан буён фақатгина касб-ҳунар таълими соҳаси қурилишларига жами 674,7 миллиард сўм сарфланади, беш юз ўн беш минг ўринли 707та коллеж ва лицей қуриб фойдаланишга топширилди. Агар ўтган йили республикамизда таълим соҳаси харажатларига давлат бюджетидан 922 миллиард сўм сарфланган бўлса, бу миқдор 2006 йилда 1 триллион 250 миллиарддан кўпроқ сўмни ташкил этади. Бу эса ижтимоий соҳага ажратилган давлат бюджетининг 58 фоизидан кўпроғи демакдир.

Президентимизнинг 2004 йил 21 майдаги **«2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»**ги Фармони ва унда белгилаб берилган вазифалар жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда. Ўтган йилнинг ўзида мамлакатимизда 53 та янги мактаб қурилиб ишга туширилди, 1044 мактаб жорий ва капитал таъмирдан чиқарилди. Бу ишларга 105 миллиард сўм маблағ сарфланади. Шунингдек, юзлаб академик лицейлар, коллежлар, замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозланган ўқув хоналари барпо этилди, кўплаб қўлланма ва дарсликлар яратилди, минглаб мутахассислар ўз билим ва малакаларини оширмоқда. Бу ишлар учун давлат бюджетидан 1,2 триллион сўм сарфланиши режалаштирилган. Ҳам иқтисод, ҳам сиёсат ва ҳам маънавий нуқтаи назаридан олиб қараганда, бу сарф-харажатлар улардан мамлакатимизга, давлатимизга ва жамиятимизга етадиган беҳад улкан натижалар билан ўзини тўла-тўкис оқлаши тайин. Зеро, Ватан истиқболи эгалари бўлмиш баркамол авлодни ҳар жиҳатдан комил этиб тарбиялаш бугунги куннинг энг долзарб вазифасидир.

Шу ўринда Италиядаги Болонья университетининг профессори Ф.Фанфанеллининг қуйидаги эътирофини келтириб ўтиш жоиз: **«Президент Ислом Каримов олға қараб дадил қадам қўйди, у фақат мавжуд ютуқларини авайлаб, сақлабгина қолмай, айни пайтда таълимни яхшилаш йўлидаги фаолиятини изчил давом эттирди. Миллий дастурда ўз ўрнини топган ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларининг ўзига хос янги намунаси ҳаётга кираётган ўсмирлар камида икки-уч замонавий касбни пухта эгаллаб чиқишига имконият яратади, бу таълим тури бизни қизиқтириб қўйди ва янги ўй-мушоҳалар уйғотди. Чунки Ғарбда бундай ўқув юртлари ҳали йўқ ва Ўзбекистоннинг бу тажрибаси турли мамлакатлардаги замонавий таълим тизимига жиддий ўзгартиришлар киритишга туртки бўлди»**.

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон ўз тарихининг янги тараққиёт босқичига қадам қўйди. Мақсадимиз барқарор иқтисодиётга асосланган демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишдир.

Зотан, ана шундай жамиятда халқнинг муносиб турмуши, ҳуқуқ ва эркинлиги кафолатланади, миллий анъана ва маданият гуркираб ривожланади, ёш авлоднинг баркамол шахс сифатида маънавий-ахлоқий қиёфаси тўлиқ шаклланади.

**Жуманазар ҲАСАНОВ,**
**педагогика фанлари номзоди**

**Islohotlar samarasi**

**Мамлакатимизда икки палатали парламент ташкил этилганлигига яқинда икки йил тўлади. Ўтган давр ичида профессионал парламентни шакллантиришга эришилди, қонун ижодкорлигида бикамерализмга хос тартиб шакллантирилди. Мамлакатимизда парламентнинг қонун чиқарувчи идора сифатида ривожланиши ўзига хос хусусиятларга эга. Бу ўзига хослик, аввало, ўзбек миллий давлатчилигининг тарихий ривожланиши билан боғлиқ.**

# ПАРЛАМЕНТ ИСЛОҲОТЛАРИ

## уларни ҳуқуқий таъминлашдаги асосий йўналишлар

Зеро, Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришган дастлабки пайтданоқ демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлини танлади ва шу йўлда изчил сиёсат олиб бормоқда. Биз қуйида мамлакатимизда амалга оширилган ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар самараси сифатида юзага келган икки палатали парламентга доир фикр-мулоҳазаларни баён этмоқчимиз. Назаримизда, парламент ислоҳотларини ҳуқуқий таъминлашда, асосан, қуйидаги йўналишларда муҳим ишлар амалга оширилди.



Биринчидан, парламент ислоҳотларини ташкилий жиҳатдан таъминлашнинг комплекс механизмлари ишлаб чиқилди. Парламент ислоҳотларини амалга оширишнинг концептуал йўналишларини ишлаб чиқиш ва уни тадбиқ этиш давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилди.

Иккинчидан, парламент ислоҳотларини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашда қуйидаги муҳим вазифалар ҳал этилди:

- икки палатали парламент шароитида палаталарнинг ҳуқуқий мақоми, ваколатлари, ташкил этилиш тартиби ва фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини қонун орқали аниқ белгиланди;
- парламент ислоҳотини самарали амалга ошириш учун қонун ҳужжатларининг муайян тизими, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи ишлаб чиқилди. Бу ҳужжатларда парламентнинг институционал тузилиши ва функционал йўналишлари ҳам ҳисобга олинди. Қолаверса, айни пайтда ҳам парламент ислоҳотини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш босқичма-босқич давом эттирилмоқда.

Учинчидан, парламентни малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида демократик институтлар иштирокида унинг фаолиятини тарғиб қилишга, парламент ишига, қонун лойиҳалари муҳокамасига фуқароларни кўпроқ жалб этишга эришилди. Айниқса, ёшлар ўртасида ўқув муассасаларида ташкил этилган учрашувлар, суҳбатлар натижасида фуқароларнинг парламентаризмга оид ҳуқуқий савиясини юқори даражага кўтаришга муваффақ бўлинмоқда.

Бу жараён жамият сиёсий ҳаётининг янада либераллашувига, фуқаролар ижтимоий фаоллиги ўсишига кўмак бераётир.

Шунингдек, парламентни ягона информацион технологиялар билан таъминловчи тизим яратилиб, Олий Мажлис фаолиятида доимий информацион-таҳлилий тизимини йўлга қўйиш имконияти юзага келтирилди.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг миллий ҳуқуқ тизимини яратишда қўлга киритилган ютуқлар билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикасида қонунчилик жараёни, парламент фаолияти билан боғлиқ ҳамда давлат бошқаруви соҳаларига доир юридик ва бошқа махсус атамаларни (терминларни) унификация қилиш каби долзарб муаммолар ҳам ҳал этилмоқда. Шунингдек, парламент ислоҳотларининг мазмуни ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш, унинг асосий вазифаларини ёритиб боришга доир ишлар изчил амалга оширилмоқда.

**Бахтиёр ЮНУСОВ,**
**магистр**

**Talqin**

***Ҳуқуқий, демократик давлатда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг асосий кафолати суд идоралари ҳисобланади. Суднинг асосий вазифаларидан бири фуқароларни давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳаракатларидан ҳимоя қилишдан иборатдир. Мамлакатимиз Конституциясининг 44-моддасида белгиланганидек, «Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат идоралари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади». Шунингдек, «Судлар тўғрисида»ги қонунда ҳам судларнинг бу борадаги вазифалари аниқ белгилаб берилган.***

# ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИК КАФОЛАТИ

Асосий Қонунимизда давлатимиз томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилаларга, ёлғиз кексаларга, боқувчисини йўқотганлар давлат ҳимоясига олиниши кўрсатилган бўлиб, айни пайтда бу тоифадаги фуқароларга ўзини-ўзи бошқариш идоралари орқали мунтазам моддий ёрдам уюштирилиб келинмоқда. Мамлакатимизда оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, инсон ҳаёти ва манфаатларини ҳимоялаш, мавжуд ижтимоий муаммоларни аниқ ва асосли тарзда ҳал этиш вазифалари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги фаолликларини янада ошириш давлатимиз сиёсатининг асосий ижтимоий-сиёсий йўналишларидан биридир.

Конституциямизнинг 37-моддаси ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш, ўз ихтиёрига кўра касб танлаш, муносиб меҳнат шароитларида ишлаш ҳамда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқини кафолатлаган. Амалдаги меҳнат қонунчилигида эса, меҳнат қилиш билан боғлиқ барча муносабатларга доир тартиб-қоидалар белгилаб қўйилган. Ҳар бир фуқаро мамлакатимиз ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, мамлакатга келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланган чеклашлар эса бундан мустаснодир.

Умуман, Конституциямизда фуқаролар асосий ҳуқуқ ва эркинликларининг белгиланиши давлатнинг жамият олдидаги масъулиятини англатади. Зеро, Асосий Қонунимизнинг 41-моддасида **«Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга»**, деб қайд этилган. Билим олиш ҳуқуқи орқали киши ўз салоҳиятини оширади, келажаги учун зарур касб-ҳунарни эгаллайди, жамиятда ўзларининг муносиб ўрнига эга бўлади.

**«Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»**да «Барча одамлар эркин, қадр-қиммат ва ҳуқуқларда тенг бўлиб туғилганлар. Ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир. Ҳеч ким қулликда ёки қарамликда сақланиши мумкин эмас», дейилган. Шунга мувофиқ, Конституциямизнинг 13-моддасида инсон ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши уқтирилган. Бу Ўзбекистоннинг умумбашарий инсонпарварлик қоидаларига асосланган давлат эканини кўрсатади.

**Тўлқин ТЎРАҚУЛОВ,**
**магистр**




## ҚУРБОНЛАР СОНИ ОРТМОҚДА

АҚШ Мудофаа вазирлиги Ироқдаги ҳарбий ҳаракатларда қатнашаётган америкалик ҳарбийлар орасида қурбонлар сони ортиб бораётганини расман тасдиқлади. Мудофаа вазирлиги тарқатган маълумотларга қараганда АҚШ Ироқда олиб борган ҳарбий ҳаракатлар давомида 1972 нафар ҳарбий ҳалок бўлган. Бошқа маълумотларга кўра, бугунгача Ироқда 2500 нафар америка ҳарбийлари ҳаётдан кўз юмган.

2005 йилнинг ноябр ойидан бошлаб, 2006 йилнинг март ойига қадар Ироқдаги АҚШ ҳарбийларининг ҳалок бўлиши бирмунча камайган. Бунинг сабаби айнан ана шу ойларда ироқлик жангарилар асосан маҳаллий хавфсизлик кучлари ва тинч аҳолига қарши кураш олиб боргани билан изоҳланади. Лекин шу йилнинг апрел ва май ойларига келиб америкалик ҳарбийларнинг қурбон бўлиши яна орта бошлади.

Расмий Пентагон эса Ироқдаги ҳарбий ҳаракатлар давомида қурбон бўлганлар сони Корея ва Въетнамда олиб борилган жанглардагига нисбатан 20 марта камлигини таъкидламоқда.

Ироқда давом этаётган ҳарбий тўқнашувлар натижасида қурбон бўлганларнинг ҳисобини олиб бораётган "Ироқ боди каунт" ташкилотининг маълумотида айтилишича, бугунгача 38.355 нафардан 42.747 нафаргача тинч аҳоли вакиллари ҳаётдан кўз юмган.

АҚШда ўтказилган сўровлар шуни кўрсатмоқдаки, президент Жорж Бушнинг Ироқдаги ҳарбий сиёсатини қўллаб-қувватловчи америкаликлар сони кун сайин камайиб бормоқда.

## ҚИДИРУВ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ироқдаги АҚШ ҳарбий кучлари жангариларнинг Боғдоднинг жанубий қисмида жойлашган назорат пунктига ҳужуми чоғида бедарак йўқолган икки нафар америкалик аскарни қидиришни давом эттирмоқда.



Ироқлик фермер Аҳмад Халаф Фалаҳнинг кўрсатмасига қараганда, ўтган якшанба куни Боғдоддан 12 чақирим узоқликда жойлашган Юсуфия назорат пунктига етти нафар юзларига ниқоб кийган жангарилар ҳужум қилган. Автоматлар билан қуролланган жангарилар америкалик ҳайдовчини отиб ташлаб, икки нафар ҳарбийни ўзлари билан олиб кетган.

АҚШнинг Ироқдаги ҳарбий қўмондонлиги хабарига кўра, Юсуфия назорат пунктига яқин жойлашган бошқа назорат пунктидаги ҳарбийлар соат кечки 19.15 отишма овозини эшитишган ва улар роппа-роса 15 дақиқада тўқнашув юз берган жойга етиб келишган. Ёрдамчи кучлар 19.30 да Юсуфия назорат пунктида 25 яшар аскар Дэвид Ж. Бабиньони жонсиз ҳолатда топишган. Шунингдек, назорат пунктида хизматда бўлган 25 яшар Томас Лоуэлл Такер ва 23 яшар Кристиан Менчас исм-шарифли аскарлар бедарак йўқолган.

АҚШнинг Боғдоддаги ҳарбий кучлари матбуот котиби генерал-майор Уильям Колдуэллнинг айтишига қараганда, жангарилар ҳужумидан бир соат ўтмасдан керакли ҳудуд ўраб олинган. Шунингдек, у қидирув ишларига ғаввослар ҳам жалб этилганини таъкидлаб ўтган. Чунки айнан воқеа юз берган жойнинг яқинидан Фрот дарёси оқиб ўтади.

## ЎТТИЗ НАФАР ҚУРБОН

«ИТАР-ТАСС» ахборот агентлиги тарқатган хабарга қараганда, Афғонистоннинг жанубида жойлашган Гельменд қишлоғида «Толибонлар» яна бир ёвузликка қўл уришган. Улар пистирмада туриб, қишлоқнинг собиқ раҳбари ва унинг тўрт нафар танқўриқчиси кетаётган автомашинани портлатиб юборишди. Шундан сўнг ўз қариндошлари жасадини олиб кетишга келган тинч аҳоли вакиллари ҳам ўққа тутилган. Натижада ўттиз нафар тинч аҳоли вакили қурбон бўлган.

## ПРОКУРОР ТАЛАБИ

Ироқ Олий суди маъмурияти бошлиғи Жаъфар ал-Суссауи суддан Ироқнинг собиқ президенти Саддам Ҳусайн, унинг тутинган укаси Барзана ат-Тикрити ва собиқ бош вазир Таху Ясин Рамаданларга нисбатан ўлим жазоси берилишини сўради.

"Интерфакс" ахборот агентлиги тарқатган хабарларга кўра, суд жараёнида давлат қораловчиси сифатида иштирок этаётган прокурор Жаъфар ал-Суссауи 1980 йилларда Эд-Дуджейл қишлоғининг 148 нафар аҳолиси юқоридаги уч нафар судланувчиларнинг айби билан ноҳақ қурбон бўлганини таъкидламоқда. Чунки айнан 1980 йилларнинг бошида собиқ президент Саддам Ҳусайнга нисбатан ана шу қишлоқда суиқасд уюштирилган эди.



–Биринчидан, мен ушбу қишлоқ аҳолисининг Саддам Ҳусайн кортежига ҳужум қилганига ишонмайман. Ваҳоланки, собиқ президентнинг Эд-Дуджейл қишлоғидан ўтиши ўта махфий сақланган бўлиб, бундан қишлоқнинг оддий фуқаролари хабар топиши умуман мумкин эмас эди, – деб таъкидлади ўз айблов фикрида Жаъфар ал-Суссауи.

## БАНКНИ "УРИБ" КЕТИШДИ

Ўтган якшанба куни Грузиянинг ғарбий ҳудудида жойлашган Сенаки шаҳрида ажабтовур ўғирлик рўй берди. Маълум бўлишича, пухта тайёргарлик кўрган ўғрилар шаҳарнинг қоқ марказида жойлашган банкка кириб, тахминан 168 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳаллий валюта ва аҳоли томонидан сақлаш учун топширилган икки қоп қимматбаҳо заргарлик буюмларини ўмариб кетган. Маълумотларга қараганда, жиноятчилар банк биносига ўрнатилган хавфсизлик қурилмасини ўчириб қўйиб, ҳеч бир тўсқинликсиз ўз ниятларини амалга оширган.

Жиноят содир этилган ҳудудда полиция ва махсус экспертлар гуруҳи текширув ишларини олиб бормоқда. Лекин улар ҳозирча ишнинг натижаси хусусида бирор-бир маълумот беришгани йўқ.

Айни пайтда банк биноси олдида тўпланган шаҳар аҳолиси ўзларининг қимматбаҳо буюмларини қайтаришни талаб қилмоқда. Улар банк маъмуриятига ҳеч қандай товон пули олмасликларини маълум билдиришган.

**Интернет материаллари асосида Ислом ҲАМРО тайёрлади**

**Faoliyat**

***Инсон ҳаётида оила муҳим ўрин тутади. Шу боис мамлакатимизда оилаларнинг мустаҳкам бўлиши давлат сиёсатининг асосий йўналиши ҳисобланади. Чунки оиланинг жамиятда тутган ўрни, ижтимоий аҳамияти ғоятда улкан. Маълумки, оила шарқда қадим-қадимдан муқаддас саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва хотиржамликка эришилади. Бинобарин, маҳалла — юрт тинч бўлсагина давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради.***

# МАҚСАДИМИЗ – ТОТУВЛИК

157 минг нафардан зиёд аҳоли яшайдиган Ғузор туманида шу йилнинг ўтган беш ойи мобайнида 400 га яқин никоҳ қайд этилди. Никоҳланувчилар тиббий кўрикдан ўтиб, оила қуришди. Бунда ФҲДЁ бўлимимиз қошида фаолият кўрсатаётган «Оила ва никоҳ» мактабининг машғулотлари ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Шунингдек, туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат маркази», «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими, туман «Саломатлик» маркази, нотариал идора ходимлари, диний идора вакиллари билан ҳамкорликда олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам самарали бўлмоқда.

Бунинг натижасида оилавий ажралишлар сони кескин камайиб бормоқда. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, ўтган йили туманда 7 нафар оила ажралган бўлса, жорий йилнинг айни пайтигача ушбу ҳолат бор-йўғи бир марта қайд этилди. Албатта, фаолиятимизда айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Бироқ уларни ҳал этиш фақат ўзимизга боғлиқ. «Пахтазор», «Хўжагузар», «Наврўз», Амир Темур, Эргаш Қурбонов номидаги маҳаллаларда ибратли ишлар олиб борилмоқда. Қолаверса, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Хўжақулова, «Саломатлик» маркази бош шифокори Х.Бўриеванинг ташаббускорлиги, маҳалла хотин-қизлар маслаҳатчиларининг фидойилиги эвазига оилавий низолар ҳамиша ижобий якун топмоқда.

Хулоса ўрнида айтсак, оилаларнинг мустаҳкам ва соғломлиги фаолиятимиз мезонидир.

**Дилбар УЗОҚОВА,**
**Ғузор тумани**

# СОҒЛОМ ТУРМУШ ПОЙДЕВОРИ

**Ҳар қандай мамлакатнинг куч-қудрати унда яшайдиган халқнинг жисмонан соғлом бўлишига жуда ҳам боғлиқдир. Юксак маънавиятли, маърифатли, ўз юртининг келажаги учун чинакамига қайғурадиган инсонлар биринчи галда миллат генофондини яхшилаш, келажак наслларнинг ҳам ақлан, ҳам жисмонан соғлом туғилиши учун қайғуради.**

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда оналик ва болаликни ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий муҳофаза қилиш, оила фаровонлиги, аёлларнинг моддий аҳволини яхшилаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Президентимиз Фармони билан **«Соғлом авлод учун»** орденининг таъсис этилгани ҳамда шу номдаги Халқаро жамғарма тузилгани ушбу инсонпарвар, халқпарвар сиёсатнинг амалий исботидир. Ўтган қисқа давр мобайнида Мамлакатимиз илғор халқаро тажрибалардан фойдаланган ҳолда оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Чунончи, Конституциямизнинг 45-46-моддаларида **«Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир. Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқли»**, деб белгилаб қўйилган. Шунингдек, Бош Қомусимизнинг 65-моддасида оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши қайд этилган.

Оилани мустаҳкамлаш, оналар ва болаларнинг моддий аҳволини яхшилаш борасида қабул қилинган қонунлар, Президентимиз Фармонлари ва ҳукуматимиз қарорлари амалиётга жорий этилиб, улар ўзининг натижасини бераётир. **Оила кодекси, «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»**ги, **«Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»**ги қонунлар, Президентимизнинг **«Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»**ги, **«Аҳолини ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлаш тўғрисида»**ги Фармонлари ана шундай муҳим ҳуқуқий ҳужжатлар сирасидандир.

▼ Jamiyatimiz maqsadi



Соғлом авлод, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш ва оиланинг тиббий маданиятини ошириб боришдек долзарб вазифаларнинг амалга ошиши туфайли ҳомиладор аёлларга ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш сифати йилдан йилга такомиллашиб бораётир. Хусусан, камқонлик касаллигига дучор бўлган ҳомиладор аёлларни темир моддасига бой препаратлар ва дори-дармонлар билан таъминлаш яхши йўлга қўйилган.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, келажак авлоднинг ҳар жиҳатдан соғлом ва маънавий баркамол бўлиб ўсиши йўлида барча имкониятлар ишга солинмоқда. Ўз навбатида бу саъй-ҳаракатлар ибратли натижалари билан соғлом ва фаровон турмуш тарзимизнинг мустаҳкам пойдеворини юзага келтиради.

**Умида ҒОЗИЕВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси**

▼ Qilmish — qidirmish

# МОЙЖУВОЗ "ОПЕРАЦИЯСИ"

## ёхуд эл мулкини ўмарганларнинг кирдикорлари

*Эл орасида «Туяни бус-бутун ютиб юборади-ю, бироқ думини ҳам кўрсатмайди», деган гап бор. Бу гап нафси ҳакалак отган кимсаларга қарата айтилган. Бундай кимсалар халқ ризқига чанг солишни одатга айлантириб олишган. Бироқ улар кўза кунда эмас, кунида синишини, яъни ҳаром луқма вақти келиб тешиб чиқишини хаёлларига келтиришмайди. Чунки фикр-зикри давлат ва халқ мулкини ўмариш, нопок йўл билан бойишда бўлгани боис алал-оқибат батамом эгри йўлга кириб кетишганини англамай қолишади. Кейинги афсус-надоматларидан эса наф йўқ.*

Яқинда айрим кимсаларнинг ана шундай «эркин фаолияти»га чек қўйилди. Беруний тумани прокуратураси томонидан прокуратура ҳузуридаги СВОЖҚК бўлими, туман ички ишлар ва солиқ инспекцияси ходимлари билан биргаликда ўтказилган тадбирлар натижасида фуқаро Гулимбай Ешниязов, Шуҳрат Қурбонбоев ва Умирбек Рузимбетов «Москвич Иж-Комби» русумли автомашинада 100 килограмм пахта чигитини фуқаро И.Ҳабибуллаевнинг уйига олиб кетишаётганда тўхтатиб қолинди. Г.Ешниязовнинг уйи кўздан кечирилганида. катта миқдорда пахта чигити топилиб, ашёвий далил сифатида олинди. И.Ҳабибуллаевнинг яшаш жойи ва ёрдамчи хўжалиги текширилганда эса электр энергиясини ўзбошимчалик билан улаб, молхонасида иккита қўлбола усулда ишланган мойжувоз мосламасида пахта чигитидан ўсимлик ёғи ва кунжара ишлаб чиқариш цехини ишлатиб келгани аниқланди. Воқеа жойидан топилган 432 килограмм пахта чигити, 60 килограмм кунжара ва бошқа мосламалар, идишлар ашёвий далил тариқасида олинди.

Худди шундай ҳолатга Беруний шаҳрида яшовчи фуқаро Амин Уразимбетов, Нодира кўчасида истиқомат қилувчи фуқаро Илҳом Файзуллаев ҳовлисида ҳам дуч келинди. Улар ҳам қўлбола усулда ишланган мойжувоз ускунасини ўрнатиб, электр энергиясини ўзбошимчалик билан улаб олиб, пахта чигитидан ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келишаётган экан.

Мазкур уч ҳолат бўйича Жиноят кодексининг 171-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилди ва айблов хулосаси судга юборилди.

Аниқланган қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси «Пахтасаноат» акционерлик жамияти раиси Б.Кушакеев ҳамда туман пахта тозалаш заводи ҳиссадорлик жамияти раиси А.Машарипов номига тақдимномалар киритилди. Пахта тозалаш заводи ҳиссадорлик жамиятининг масъул ходимлари расман огоҳлантирилди.

Халқимизда бирники мингга, мингники туманга, деган гап бор. Эл-юрт ободлигига фидокорона меҳнат билан ҳисса қўшаётган замондошларимизнинг пешона тери эвазига турмушимиз тобора фаровонлашиб бораяпти. Энг чекка қишлоқларимизда ҳам бунёдкорлик самаралари яққол кўзга ташланмоқда. Туману қишлоқларимиз, овулларимиз чирой очиб бораяпти. Буларнинг бари халқимизнинг мустақиллик моҳиятини англаб меҳнат қилаётганидан далолатдир. Бироқ ўзибўларчилик кайфиятига берилиб, фақат ўз жиғилдонини ўйлайдиган кимсаларнинг қилмишлари иқтисодимиз ривожига тўсиқ бўлаётгани ачинарли ҳол. Шу боисдан ҳам, нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари, балки кенг жамоатчилик бундай иллатларга қарши бир ёқадан бош чиқариб курашмоғи керак. Шундагина юлғичлик, ўғирликнинг пайи қирқилади.

**Мирзааҳмад АЙМОНОВ,**
**ҳуқуқшунос**



*Табиат мўъжизаси*

## БЕКОР ҚИЛИНДИ

***Фарғона шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Усмонали Исмаиловга 1997 йил 8 июлда берилган FE 000032-рақамли лицензия, Фарғона шаҳар 3-сон давлат нотариуси идораси катта нотариуси Бахтиёр Сотволдиевга 1997 йил 8 июлда берилган FE 000033-рақамли лицензия, Фарғона шаҳар 2-сон давлат нотариал идораси собиқ катта нотариуси Содиқжон Холиқовга 1997 йил 8 июлда берилган FE 000034-рақамли лицензия Фарғона вилояти адлия бошқармаси қошидаги нотариат бўйича малака комиссиясининг 2006 йил 25 майдаги қарори асосида ва бошқарма бошлиғининг 2006 йил 31 май кунидаги 09/110-сонли буйруғи билан бекор қилинди.***

▼ Dunyoning ishlari

*Дунёда бир-биридан қизиқ, сирли, ҳатто ақл бовар қилмайдиган турли-туман воқеалар учраб туради. Масалан, эртакларда сеҳргарлар, жодугар кампирлар ҳақида кўп ўқигансиз. Аслида ҳаётда афсунгарлар бўлганми?*

# АФСУНГАРЛИК СИР-СИНОАТЛАРИ

Шу ҳақда психология фанлари доктори В.И.Лебедевнинг афсунгарлик сирларига қизиқувчи ўқувчиларнинг мактубларига берган жавобларидан билиб оласиз.

«Яқинда қўлимга бир китобча тушиб қолди, — деб ёзади Новомосковск шаҳридан Ольга исмли қиз. — Унда ёзилишича, занжилар қабиласида шундай афсунгарлар бор эканки, улар ўзига ёқмайдиган бирор-бир одамнинг шаклини дарахтдан ўйиб ясар экан. Кейин ҳар куни бу ёғоч шаклга биттадан мих қоқиб борар экан. Мазкур ёғоч шаклнинг аслида ҳаёт бўлган эгаси, яъни тирик одам айнан танасининг ўша жойида қаттиқ оғриқ сезар экан. Айтайлик, ёғоч шаклнинг биқинига мих қоқилса, ўша одамнинг биқинида оғриқ сезилиб қийналар экан. Сўнгги мих юрак ўрнига қадалганда ўша одам ўларкан. Аммо бу ҳодисанинг қандай рўй бериши китобчада кўрсатилмаган. Олимлар телепатия борлигини инкор қилишади. Афсунгар узоқ масофадан туриб, қўлини ҳам тегизмасдан бошқа бировнинг жонига қасд қилиши мумкинми?

Николай Гоголнинг «Эски замон помещиклари» қиссасида қизиқ бир кўриниш бор, — деб ёзади 8-синф ўқувчиси Олег Голубков. — Қисса қаҳрамони Пульхерия Ивановна ўз ўлимини оппоқ мушуги дастлаб уйдан йўқолиб қолгани, сўнг қайтиб келгани билан боғлайди. Синфимизда шу кўриниш юзасидан баҳслашиб қолдик. Баъзилар бундай воқеа ҳаётда бўлиши мумкин эмас, дейишди. Мен эса ҳаётда шундай воқеа бўлган, ёзувчи уни айнан ҳаётдан олиб, китобига киритган, деб ҳисоблайман. Мен ҳақманми? Шуни тушунтириб беринг».

Яна бир ўқувчи В.Фралов «А.Кристининг «Қишлоқдаги кулба» деган ҳикоясидаги сингари воқеа ҳаётда бўлиши мумкинми, деб савол берган.

## АФСУН БИЛАН ЎЛИМГА МАҲКУМ ЭТИЛГАНЛАР

Албатта, А.Кристининг юқорида тилга олинган ҳикоясини кўпчилик ўқимаган бўлса керак. Шу боис унда гап нима ҳақида кетиши тўғрисида қисқача тушунча бериб ўтамиз.

Чекка қишлоқда Элис исмли қиз билан Дик исмли йигит турмуш қурмоқчи бўлишади. Аммо бу орада Элиснинг узоқ бир қариндоши вафот этиб, қизга катта мерос қолдиради. Буни эшитган Дик бошқалар энди мени келиннинг бойликлари учун уйланмоқчи деб ўйлашади, деган хаёлга бориб, Элис билан алоқани узади. Бундан ўзини қаттиқ ҳақоратланган деб ҳисоблаган қиз бир ҳафтада Жеральд исмли йигит билан танишиб, унга турмушга чиқиб кетади.

Бироқ орадан кўп ўтмай, Элис эрининг баъзи хатти-ҳаракатларидан шубҳалана бошлайди. Бир куни тушлик чоғида боғбондан ғалати бир гапни эшитиб қолади. Жеральд боғбонга бугун, яъни 18 июн куни хотиним билан узоқ сафарга жўнаб кетамиз, деган экан. Элис бу ҳақда менга гапирмаган эди-ку, деб ўйлаб кутилмаганда қўрқиб кетади. Уйга югуриб кириб, Жеральднинг кундаликларини очиб кўрса, қуйидаги ёзувларга кўзи тушади. **«Элис. Чоршанба, 18 июн, кеч соат 9»**.

Элис кеч соат 9 да нима, мени ўлдирмоқчими, деган шубҳага бориб, баттар хавотирга тушади. Ва эрининг ёзув столи тортмасини очиб, қоғозларни титкилай бошлайди.

Америкада нашр этиладиган газеталардан қирқиб олиниб, тахлаб қўйилган парчаларни ўқиб қараса, бундан етти йил олдинги суд жараёни ҳақидаги маълумотларга кўзи тушади. Уларда ёзилишича, Чарльз деган қандайдир киши хотинлари кетма-кет изсиз йўқолиб қолавергач, қамоққа олинади. Аммо унинг хотинларини ўлдирган ёки ўлдирмагани ўз исботини топмаса-да, узоқ муддат шубҳали шахс сифатида ҳибсда ушлаб турилади. Бироқ у пайт пойлаб қамоқдан қочади ва изсиз йўқолади. Газетада босилган Чарльзнинг сурати айнан ўз эри, яъни Жеральд экани Элисни баттар шубҳага солади. У мени ўлдирмоқчи, деб ўйлайди.

Даҳшат ва қўрқув исканжасида уйдан қочиб чиқар экан, дарвоза олдида эрига дуч келади. Унинг қўлида ҳозиргина сотиб олингани кўриниб турган каттакон янги белкурак бор эди. Элис уни кўргач, нафаси ичига тушиб кетади.

Сунг «миқ» этмай, ранги оқарганча унинг орқасидан эргашиб, иккаласи кечки овқатга ўтиришади. Шунда Жеральд ғоят хотиржам оҳангда Элисга мурожаат қилиб, ертўлага тушайлик, суратларимни чиқаришда ёрдам берасан, дея гап қотади.

Бу сўзларни эшитган Элис, бугун соат 9 да аниқ мени ертўлада ўлдиради, қандай бўлмасин бир йўлини қилишим керак, деб ўйлайди ва миясига келган кутилмаган фикрдан қувониб кетади. Улар қаҳва ичиб ўтиришган эди.

— Менга қара, Жеральд, — дейди у эрига жиддий тарзда. — Бари бир қачон бўлсаям ошкор бўладиган сирдан сени воқиф қилмоқчиман. Мен жиноятчиман!

— Нима? — дея ажабланади Жеральд.

— Ҳа, жиноятчиман. Аввал сенга айтмаган эдим. Сенгача икки марта турмушга чиққанман. Биринчи эрим қартайиб қолган эди. Мен эса ўшанда 20 ёшда эдим. Уй-жойини ўзимга хатлаб олгач, уни заҳарлаб ўдирганман.

Элис ўзининг ўйлаб қўйган режаси амалга ошаётганидан илҳомланиб, давом этади.

— Ҳа, заҳарлаб ўлдирганман. Буни сенга қачон бўлсаям айтишим керак эди. Госпиталда ишлаб юрган пайтларим, «хайосин» деган заҳарнинг борлигини, ундан қандай фойдаланишни ўзлаштириб олганман. Бу дори ҳар қандай кишини бир неча дақиқада ўлдиради. Ва унинг сабабларини тиббий текширувлар воситасида аниқлаб бўлмайди. Фақат юрак хуружи сабабли вафот этган, деб ташхис қўйиш мумкин.

Иккинчи эримни ҳам худди шундай усул билан ўлдирганман. Унга қаҳва тайёрлаб берганимда ўша заҳардан қўшган эдим.

Жеральд стол устидаги қаҳвадан бўшаган идишга қарар экан, ранги оқариб қўрқиб кетади, кўнгли айний бошлайди.

— Ҳа, ҳа, — давом этади Элис яна руҳланиб, — ҳозир эса сени заҳарладим. Қаҳвани охиригача ичдинг.

— Ҳали мениям заҳарладингми, мегажин! Айтдим-а, бугун негадир қаҳванинг мазаси бошқача деб!

— Ҳа, сенга ҳам заҳар бердим, «хайосин» аллақачон ўз таъсирини ўтказмоқда. Яна беш дақиқадан кейин жонинг узилиб, у дунёга равона бўласан.

Мўъжизани қарангки, ҳақиқатан ҳам орадан беш дақиқа ўтар-ўтмас, Жеральд вафот этади. Қизиғи шундаки, идишдаги қаҳвага ҳеч қандай заҳар қўшилмаган эди...

Ҳозирча афсунгарлик йўли билан, ҳеч қандай тиғ, дорисиз эрини ўлдирган Элис ҳақидаги ҳикоямизни тўхтатиб турайликда, юқорида айтиб ўтилган Ольганинг мактубига эътибор берайлик. Ольга келтирган далил оламда ягона эмас. Шунга ўхшаш ҳодисалар дунёнинг бошқа ўлкаларида ҳам учрагани ҳақидаги маълумотларни кўплаб этнографлар, врачлар ҳам тасдиқлайди.

Америкалик врач Гарри Райт «Афсунгарнинг гувоҳлари» китобида юқоридаги воқеаларга менгзагулик қатор қизиқарли далилларни келтиради. Мисол учун Жанубий Африка қабилаларидан бирининг афсунгари Лусунг ҳақида қуйидагиларни ёзади. Афсунгар Лусунг ўз қабиласида жиноятга қўл урган бир ўсмирнинг кўзига тик қараб «Сен уч кундан кейин ўласан!», деган. Афсунгар шундай дея ошқовоқ суви тўлдирилган идишга қандайдир қизил кукун қўшиб, ўсмир жиноят содир этган қамиш кулба ичига сачратиб чиқади. Бола қўрқувдан дағ-дағ титраганча ҳеч бир қаршилик кўрсатмасдан жим ўтиради.

Ушбу амалларни бажаргач, кейин афсунгар Лусунг ўспирин устидан чиқарган ўз ҳукмини қабила аҳлига ошкора эълон қилади.

«Бу — қатъий ҳукм эди, — деб ёзади Гарри Райт. — Айбдор устидан ҳукм чиқарилгандан кейин бирор-бир кимса унга қўлини ҳам текизмаган. Ҳақиқатан ҳам, орадан уч кун ўтгач, кулбадан ўспириннинг жасади топилган.

*(Давоми бор)*

**Хорижий оммавий ахборот воситалари материаллари асосида**
**Мансур ТЕНГЛАШЕВ, тайёрлади**




## I. КАЛАВАНИНГ УЧИ

Адирда қўй боқиб юрган Нурали чўпоннинг кўзи йўлдан ўтиб бораётган отлиққа тушди-ю, бир неча йил илгари йўқолган тойи эсига тушди. Шу боис у отлиқдан бир зум тўхташни илтимос қилиб, унинг исмини сўради. Йигит ўзини Ҳайит деб таништирди. Суҳбат давомида отини сотиш учун бозорга олиб кетаётганини айтиб қолди. Шундан кейин чўпоннинг хаёлидан «Бу менинг йўқолган тойимга жуда ўхшайди. Ҳойнаҳой, шу йигит ўғри бўлса кераг-ов», деган фикр ўтди ва отнинг жиловидан тутди. Ундан қишлоққа бирга боришни талаб қилди. Аввалига чўпоннинг талабига бўйсунмаган Ҳайит кейин унга эргашишга мажбур бўлди.

Нурали Ҳайитни тўғри маҳалла посбонининг олдига олиб келди. У эса участка профилактика нозирини чақиртирди. Саволларига поймa-пой жавоб олаётган нозир бу ерда бир гап бор, деб ўйлади. Шунинг учун ҳам Ҳайитдан бу қишлоққа нега ва кимникига келганини очиқ айтишни талаб қилди. Аввалига «бозорга келгандим» деган Ҳайит кейин Олимхон эшоннинг уйига жувоз созлатгани келганини айтди.

«Олимхон Мансуров тегирмоннинг тилига яхши тушунади. Лекин жувоз созламайди. Бу ерда бир сир борга ўхшайди», дея ичида мулоҳаза юритди нозир. Шундан сўнг қатъий қарорга келиб, Ҳайитни жиддий тергай бошлади.

— Мен от ўғриси эмасман. Нега ишонмайсизлар?! — дея Ҳайит асабийлаша бошлади. — Тўғрисини айтсам, бу ерга «юк» олиб келгандик...

— Қандай юк олиб келгансан?

Саросимага тушиб қолган Ҳайит қовун туширганини сезиб қолди. Лекин энди кеч эди. Кетма-кет берилган саволлар уни бу ерга Тожикистондан «героин» гиёҳвандлик моддасини олиб келганини айтишга мажбур қилди...

Шундан сўнг туман ички ишлар бўлимида тезкор гуруҳ тузилиб, жиноятчиларни қўлга олиш режаси ишлаб чиқилди. Чунки чувалган калавининг учи топилган эди...

## II. НАФС ЙЎЛИДАГИ ТАНИШУВ

Олимхон эшон қўшни Тожикистон Республикасида яшовчи қизи Фотиманинг уйига тез-тез бориб турарди. У ана шундай сафарлардан бирида регарлик Аҳмад исмли ҳожи билан танишди. Тез орада улар ўртасида яқинлик пайдо бўлиб, борди-келди бошланди. Олимхон эшонни обдон синаб кўрган Аҳмад ҳожи ниҳоят унинг кўнглига қўл солиб кўрди:

— Қачонгача тешани тиқиллатиб устачилик қилиб юрасиз? Кошки, бу билан бирингиз икки бўлса... Сизга бу ҳол ярашмайди, биродар. Ахир, эшон деган номингиз бор-а...

— Тирикчилик учун меҳнат қилиш керак-ку?

— Гапингиз тўғри. Аммо «қаловини топсанг қор ҳам ёнади», деган мақолни ҳам эшитгандирсиз, тақсир, — дея Аҳмад ҳожи илжайганча қувлик билан ҳамсуҳбатига бир пас тикилиб турди.

Ундан садо чиқарвермагач, яна сўзида давом этди:

— Менинг ажойиб бир режам бор. Агар «хўп» десангиз, пичоғингиз доимо мой устида, жонингиз роҳат-фароғатда бўлади.

— Қандай режа экан?

— Агар сизга малол келмаса, айтаман.

— Эшитайлик-чи...

— Сиз ишончли одамсиз. «Героин», деб эшитгансиз. Бизда шу нарсадан бор. Харидор топиб, шуни пуллаш керак.

— Ие, қандай қилиб?

— Нега ҳовлиқасиз. Сиз оқсоқол, обрўли одамсиз. Танишбилишларингиз кўп. Чаққон, уддабурон йигитлардан топиб, бу ишга бош бўлиб турсангиз, бас. Пулнинг ҳидини олгандан кейин ишни ўзлари дўндирашади.

— Ҳе, ҳожи тушмагур-ей, сизда гап кўп экан-ку? Шунақа денг...

Нафс изнига бўйсунган Олимхон шериги айтган режани қандай амалга оширишни ўйлай бошлади. Охири кўнглидагидай одамни топди. Олимхоннинг қўшни маҳалласида Усмон деган тадбиркор, жаҳонгашта, бунинг устига таваккалчи таниши бор эди.

Кунларнинг бирида Олимхон уни уйига таклиф этиб, Аҳмад ҳожи билан таништириб қўйди.

Олимхон янглишмаган экан. Усмон билан Аҳмад ҳожи тезда тил топишишди.

— Четда «героин»нинг бозори чаққон. Уни ўша ёққа олиб бориш лозим, — дея маслаҳат берди Усмон.

— Бунинг учун аввало техника топиш керак, — деб унинг таклифини маъқуллади Аҳмад. — Лекин бунга ҳар кимнинг ҳам юраги дов беравермайди-да...

— Машинани мен топаман. Узоқ йиллик синашта танишим бор. У Намангандаги хусусий корхонанинг «Камаз» русумли машинасини ҳайдайди. Водийдан кўп марта юк олиб келганмиз. Ишончли йигит.

— У ҳолда ўша йигитни бу ерга олиб келасиз, — дея Аҳмад ҳожи йўлкира учун Усмонга 200 АҚШ доллари берди.

Шундан сўнг Олимхон эшонга хазинабонлик вазифаси юклатилди.

— Керакли одам юкни сиздан олади. Умуман, бу ёғига ўзингиз бош-қош бўлиб турасиз. Шундай қилсак маъқул.

Олимхон бу таклифга бажонидил рози бўлди.

Тез орада Раҳим ҳам Наманган-дан Сурхондарёга етиб келди. Раҳим чапани йигит бўлгани боис ҳожига дарров маъқул тушди.

## III. ДАСТЛАБКИ МАРРА

Қабиҳ ният бирлаштирган жиноий тўда режаларни амалга оширишга киришди. Дастлаб Олимхоннинг уйига Тожикистондан юз кило «героин» олиб келинди.

Ёз ойлари эди. Раҳим ўзининг бошқарувида бўлган 16 AE 226 давлат рақамли «Камаз» автомашинаси тагидан махсус жой тайёрлаб, гиёҳвандлик моддасини шу ерга жойлади. Сўнгра Усмон билан бирга уни яширин равишда Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрига олиб бориб сотишди.

Усмон кейинги йил ёз фаслида яна сафар тараддудини кўра бошлади. Бу гал «иш»га укаси Турдибойни ҳам жалб этади.

▼ Jinoyat va jazo

Турдибой тунда «Жигули» автомашинасида Тожикистон ҳудудига бориб, Аҳмад ҳожининг гумашталаридан юз килограмм «героин» гиёҳвандлик воситасини олиб, Олимхонга етказиб берди. Олимхон эса Раҳимни чақиртирди. Яна айнан ўтган галги жараён такрорланди. Икки оғайни яна йўлга тушишди.

— Тўғри Санкт-Петербургга ҳайдайсизлар, — дея буюрди Аҳмад ҳожи. — Бу сафар сизларни ўзим кутиб оламан.

— Наманганга кириб ўтамиз жўра, — деди Усмон Раҳимга йўлда — Машинани бўш ҳайдаш тўғри келмайди. Юк ортиш керак. Тағин сиримиз фош бўлиб қолмасин...

Унинг фикри Раҳимга ҳам маъқул тушди. Улар «Камаз»га анор ва хурмо юклашди. Икки «тадбиркор» соғ-омон манзилга етиб боришди. Санкт-Петербургда уларни Аҳмад ҳожи мамнуният билан кутиб олди. Ҳамтовоқлар мўмай пулни осонгина қўлга киритаётганидан ўзларида йўқ шод эди...

## IV. ЯНГИ ШЕРИКЛАР

— Шерикларни кўпайтириш керак, эшон, — дея маслаҳат солди бир куни пинҳона учрашганда Олимхонга Аҳмад ҳожи. — Қачонгача Раҳимни кутиб юрамиз? Шу ерлик оёқ-қўли чаққон йигитлардан топиб, «савдо»ни гуллатиш керак.

— Гапингиз тўғри. Мен ҳам шу ҳақда ўйлаб юргандим. Усмоннинг маҳалласида икки ака-ука бор. Сағирликда ўсишган. Ҳеч жойда ишламайди. Лекин бир оз ёш-да. Энди йигирмани қоралаган.

— Гап ёшда эмас, хоҳишда. Қолаверса, билмаганини ўргатамиз. Бафуржа гаплашиб кўринг. Бошқа йўлларини ҳам изланг.

**Курбон ЖЎРАНАЗАРОВ,**
**журналист**
***(Давоми кейинги сонда)***

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ, Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Пўлат САМАТОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Хуршид СОДИҚОВ, Абдукамол РАҲМОНОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-815. Тиражи — 7500. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

2 3 4 5 6